

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АБДУЛЛАЕВА ҲИЛОЛА РАВШАНОВНА

**“ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТНИНГ (RIBES AUREUM PURSH)
СЕРҲОСИЛ ВА ЭКСПОРТБОП НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ”**

**06.01.05 - “Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патент) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун**

ТАҚДИМОТИ

Илмий маслахатчи: қ.х.ф.д., профессор. Аманова Махфурат Эшмурадовна

ТОШКЕНТ-2023

КИРИШ (Фан доктори (DSc) тақдимоти селекция ютуғи (ихтиро патенти) аннотацияси)

Дадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда резавор мевалар етиштириш ҳажми 7,2-8,4 млн. тонна бўлиб, шундан 662 минг тоннага яқинини қорағат ташкил қилган ва ҳосилдорлик гектарига ўртача 5,5 тоннадан тўғри келган. ФАО нинг 2018 йилдаги статистик маълумотида кўра қорағат (*Ribes L.*) етиштириш бўйича жаҳонда Россия Федерацияси етакчилик қилиб, ҳар йили 400 минг тоннага яқин ҳосил олинган. Кейинги ўринларни Польша (170 минг тонна) ва АҚШ (24 минг тонна) давлатлари эгаллаган бўлиб қорағат етиштириш билан шуғулланаётган қолган давлатлар улуши эса 70 минг тоннадан ошмаган¹. Бунинг асосий сабаби қорағатнинг эколого-географик стресс омилларга бардошли (иссиққа, совуққа ва қурғоқчиликка чидамли) серҳосил, истиқболли навларини етарли даражада яратилмаганлигидир.

Бугунги кунда Россия, Польша, АҚШ ва Европанинг бир нечта мамлакатларида қорағат етиштириш бўйича қатор, жумладан ишлаб чиқаришга серҳосил, витамин ва минералларга бой, меваси йирик, қуруқ модда миқдори юқори, ранги тиниқ, ташишга яроқли, йирик мевали ва қайта ишлашга мўлжалланган, паст ҳароратга, иссиққа, қурғоқчиликка, турли хил тупроқ-иқлим шароитларида ўсиш хусусиятига эга янги навларни яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда 2018 йилда ҳаммаси бўлиб 1025 тонна қорағат маҳсулоти олинган бўлиб, бунга республикада етиштирилаётган қорағат навлари сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа, совуққа, қурғоқчиликка ва замбуруғли касалликларга чидамли интенсив, ўсув даври қисқа, юқори товарбоп ва универсал (қайта ишлашга, музлатиб янгилигича сақлашга) хусусиятларга эга навлар етарли даражада эмаслиги сабаб бўлмоқда. Шундай экан резавор мевали экинлар ассортиментини истиқболли навлар билан бойитиш, оналик боғларни яратиш ва етиштириш технологиясини

¹<http://www.eurasiancommission.org;https://www.wikiwand.com/ru/Смородина>

такомиллаштириш республикамизда боғдорчилик соҳасининг ривожлантиришда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжири яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли фармонида мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича соҳа мутахассислари учун қатор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ушбу тадқиқот иши белгиланган вазифаларни амалга оширилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Олтинсимон қорағат хуштаъм, парҳезбоп, доривор, технологик хусусиятларга эга бўлиб, қимматбаҳо озиқа ва қайта ишлаш учун хом ашё ҳисобланганлиги сабабли, жаҳоннинг етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасалари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Сибирдаги М.А.Лисавенко номли Боғдорчилик илмий тадқиқот институти, Орёл шаҳридаги Мевали ўсимликлар селекцияси илмий тадқиқот институти, Қирғизистондаги Иссиқ кўл селекция тажриба станцияси, Росиядаги Боғдор-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2019 йилдаги ПҚ-4549 қарори.

чилик, узумчилик, виночилик Шимолий Кавказ федерал илмий марказида қорағатнинг турлари, морфо-биологияси, тарқалиш ареаллари, фармацевтика соҳасида фойдаланиши, С витаминга бойлиги, ДНК маркерлари орқали ген инженериясида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Олтинсимон қорағат *Ribes aureum* Pursh Saxifragaceas - тошёраргуллилар оиласининг *Ribes* турига киради. *Ribes* тури мўътадил иқлим шароити кенглигида тарқалган бўлиб 150 га яқин турни ўз ичига олади. Биринчи марта Карл Линней (1753) *Ribes* турини ажратиб олиб, ушбу турни иккита кичик турларга *Ribes inermia*-қорағат ва *Grossularia accileata*-крижовникка бўлган. Йирик ботаник К.И. Максимович 1873 йил *Ribes* турини 6 та кичик турларга бўлди.

Олтинсимон қорағат қимматбаҳо ноанъанавий ревзор мевали ўсимликдир. У юқори мослашувчанлиги, қишга чидамлилиги, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан ажралиб туради, юқори ва барқарор ҳосилдорлиги ва қурғоқчиликка чидамлилиги учун қадрланади. Тупроқ ва иқлим шароитига боғлиқ эмас, шўрланган, ювилган тупроқларда, тик қояларда ўсиши мумкин, шунинг учун дала ихтоси ва агро-ўрмонзорлар экин ерларида кенг қўлланилади. Е.А.Поплева, Т.В.Жидехина, О.С.Родюкова олтинсимон қорағатни Новосибирск областида қорағат навларининг ёғочланган новдаларини қаламча қилиб кўпайтириш натижасида бир гектардан қорағат навларидан 250 минг донагача қаламчалар тайёрланиб, гектаридан 70-80 минг дона кўчат чиқишини аниқлаган. М.Т.Тарасенко раҳбарлигида академия олимлари З.А.Прохорова, В.В.Фаустов, Б.С.Ермаков, Ф.Я.Поликарпова, Е.Г.Самощенко, В.К.Бакун, В.А.Маслова, А.Г.Матушкин, И.М.Поснова, Л.П.Скалий тўпланган илмий ва саноат тажрибаси мамлакатнинг минтақавий шароитлари, экинлар ва навларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда яшил қаламчалар технологиясини ишлаб чиқишган. Л.С.Санкин Олтой ўлкасида Сибир боғдорчилик илмий-тадқиқот институтида олтинсимон қорағатнинг янги бир қанча навларини яратди, А.А.Эрст, Н.А.Вечернина Олтой давлат аграр университетида олтинсимон

қорағатнинг Валентина навини куртагидан “in vitro” усулида кўпайтириб, сифатли кўчат олишга эришдилар.

Ҳозирги кунда дунёда олтинсимон қорағатнинг серҳосил, ташқи мухитнинг стресс омилларига чидамли, қимматли хўжалик белгилари ўзида мужассамланган, юқори ҳосилдор, йирик мевали, биокимёвий таркибини ўрганиш, селекция ишларини олиб бориш, оналик боғларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорағат ўсимлигининг систематикаси, селекцияси, етиштиришнинг турли хил ресурстежамкор технологиялари, касаллик ва зарарли ҳашоратларини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар Россия, Польша, Германия, Англия, Янги Зеландия, Дания, Озарбайжон, Голландия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда К.Линней, А.Berger, А.Richard, J.Berlandier, С.Ihori, Г.Бургсдорф, Р.Э.Регель, О.В.Панфилова, Т.В.Жидехина, Е.А.Иванова, Е.А.Гнусенкова, Л.С.Санкин, И.В.Мичурин, Н.М.Павлова, М.Г.Абдеева, Е.И.Глебова, Л.А.Тохтаръ, В.С.Салыкова, В.Н.Сорокопудов, Ю.В.Бурменко, А.Е.Соловьева каби олимлар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда қорағат билан дастлабки тадқиқотлар 1947 йилда С.И.Ягудина томонидан (четдан интродукция қилинган қорағат навларининг морфо-биологик хусусиятларини, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, танлаш ва селекция) олиб борилган бўлса, кейинчалик турли йилларда М.М.Мирзаев ва Р.М.Абдуллаевлар томонидан ушбу тадқиқотлар давом эттирилган.

Аммо, республикамизда олтинсимон қорағатнинг маҳаллий ва янги интродукция қилинган навларини ўсиб ривожланишининг физиологик ва хўжалик-биологик хусусиятлари, юқори сифатли кўчат етиштиришнинг технологик масалалари етарлича ўрганилмаган.

Ушбу диссертация ишида Республика илмий-техник дастурлари доирасида олтинсимон қорағатнинг янги истиқболли, серҳосил, экологик стресс омилларга бардошли, йирик мевали, экспортбоп навларини яратиш

бўйича изланишлар олиб борилди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг: № ГНТП-11 “Ўзбекистоннинг ҳар хил ҳудудлари учун мевали ўсимликлар ва узумнинг янги навларини яратиш ва янги яратилган маҳаллий ва интродукция қилинган касаллик ва зараркунандаларга чидамли юқори маҳсулдор ва мевалари юқори сифатли навларни ўрганиш” (2006–2008 йиллар); № КХА-9-029 “Тошкент оазиси шароитида мева-резавор, цитрус ўсимликлари ва узум навларини қимматли-хўжалик комплекс белгиларига эга ноқулай омилларга (касалликка, совуққа, сувсизлик ва б.) чидамли навларни такомиллаштириш” (2009–2011 йиллар); № КХА-8-042. “Тошкент вилояти шароитида мевали, резавор, субтропик, цитрус ўсимликлари ва узумни янги навларини яратиш ҳамда маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш” (2012–2014 йиллар); № КХА-8-057-2015 “Комплекс хўжалик-ноёб сифатларга эга бўлган юқори сифатли мева ва резавор ўсимликларнинг навларини яратиш ҳамда маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш” (2015–2017 йиллар); № ИКХ-2017-41. “Янги яратилган олтинсимон қорағат навларининг новдаларидан қаламчалар тайёрлаб кўпайтириш усуллари ишлаб чиқиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этиш” (2017-2018 йиллар); № КХФ-5-028. “Резавор мевали ўсимликларнинг муҳитнинг абиотик омилларига (иссиққа, қурғоқчиликка ва совуққа) чидамлилигини оширишнинг физиологик ва биокимёвий механизмларини ўрганиш ва қонуниятларини аниқлаш” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги фундаментал ва № КХА-КХ-2018-259 “Республика ҳудудларининг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос серхосил, сифатли мева, резавор мева ва цитрус ўсимликларининг навларини яратиш ҳамда янги маҳаллий ва интродукция қилинган навларни ўрганиш” (2018-2020 йиллар) бўйича амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Россия ва Америка навларини ўзаро

чатиштириш орқали олинган дурагайларни морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, олтинсимон қорағатнинг серҳосил, йирик мевали, витамин ва минералларга бой маҳаллий шароитга мослашган, узок масофага ташишга яроқли янги навларини яратиш, кўчатчилигини ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

олтинсимон қорағатнинг Крондаль (Америка) х Мичурин (Россия) навларини ўзаро чатиштириш орқали олинган F_1 дурагайларини парваришlash ва морфо-биологик ҳамда қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш;

олтинсимон қорағат дурагайларидан абиотик омилларга чидамли, юқори ҳосилли ва сифат кўрсаткичларга эга бўлган бирламчи манбаларини ажратиб олиш;

ажратиб олинган олтинсимон қорағат дурагайларининг асосий фенологик фазаларини ўтиш муддатларини аниқлаш;

F_1 дурагайларининг уруғларини экиш, парваришlash ва F_2 дурагайларини олиш;

F_2 дурагайларини қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш ва истиқболлиларини танлаш ҳамда кўчатчилигини ташкил қилиш;

олтинсимон қорағатнинг яратилган янги навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқот объекти сифатида олтинсимон қорағатнинг истиқболли (Крондаль х Мичурин) F_1 дурагайлари, андоза сифатида республикамизда районлаштирилган Плотномьяся, ҳамда Узбекистанская крупноплодная, Олтиной, Сиюма, Рухшона, Ирода, Алёна, Дўстлик, Элексир, Золотистая навлари ва №15-5, №13-7, №13-2, №13-16, №13-17, №15-12, № 5-11 дургайларидан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети сифатида олтинсимон қорағат дурагайларининг морфо-биологик хусусиятлари, ҳосилдорлиги, мевасининг йириклиги, ташишга чидамлилиги ҳамда қайта ишлашга яроқлилиги олинган.

Тадқиқот усуллари. Селекция жараёнларини амалга оширишда

умумқабул қилинган қуйидаги услубларда олиб борилди: “Программа и методика селекции плодовых, ягодных и орехоплодных культур” услуги Мичуринск 1966 й, “Селекция сортовоедение плодовых и ягодных культур” ўқув қўлланмасы, навларни ўсиб ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари “Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур” услуги бўйича, биокимёвий таҳлилларни аниқлашда А.И.Ермакова услубидан фойдаланилди. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов тавсия этган услуги бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамиз иқлим шароитига мос олтинсимон қорағатнинг Американи “Крондаль” ва Россиянинг “Мичурин” навларини чатиштириш орқали олинган 20 та (F_1) дурагайлари ва “Ўзбекистанская крупноплодная” навининг 146 та популяциясидан аналитик селекция орқали танлаб олинган “Ойдин” ва “Ядгор” навларининг морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари ўрганилган;

олтинсимон қорағатнинг 20 та нав ва дурагайлардан 1 та (№-3) ва “Ўзбекистанская крупноплодная” навининг “Плотномьяся” нави билан эркин чатишиш орқали олинган 146 та дурагайларида серхосил, йирик мевали, витамин ва минералларга бой, янгилигича ва қайта ишлашга яроқли 2 та (№ 14-7; №13-27) намуналарни танлаб олинган;

олтинсимон қорағатни 20 та нав, дурагайлариининг морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича олинган ва келгусида селекция жараёнини қисқартириш учун хизмат қиладиган илмий натижалар институт генофонд ахборот базасига киритилган;

янги яратилган “Ойдин”, “Ядгор” ва “Ўзбекская сладкая” навларини ҳосилдорлиги андоза “Плотномьяся” навига нисбатан 107-176,6 ц/га, мевасининг таркибида қанд миқдори эса 3-4 фоизгача юқорилиги, мевасининг ўртача вазни 0,1-0,5 граммгача ортиқлиги ҳамда ташишга қулайлиги билан ажралиб туриши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Олтинсимон қорағатнинг 20 та нав дурагайларининг қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш асосида комплекс белгилари бўйича танлаб олинган №3; №14-7 ва №13-27 дурагайлардан клон усулида якка танлаш орқали ишлаб чиқаришдаги мавжуд “Плотномая” навига нисбатан ҳосилдорлиги юқори, абиотик омилларга бардошлилиги, товар кўрсаткичлари ва мевасининг биокимёвий таркиби билан ажралиб турувчи янги “Ойдин”, “Ядгор” ва “Узбекская сладкая” навларининг яратилган;

олтинсимон қорағатнинг янги яратилган “Ойдин”(NAP 00399), “Узбекская сладкая”(NAP 00398) ва “Ядгор”(NAP 00400) навларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлар олинган;

олтинсимон қорағатнинг янги яратилган навлари “Ойдин” “Узбекская сладкая” ва “Ядгор” навлари Андижон ва Тошкент вилоятларининг тупроқ ва иқлим шароитларига мослашувчанлиги ўрганилиб, янги навларининг кўчатчилиги ва юқори ҳосил етиштириш агротехникаси бўйича илмий асосланган тавсиянома ишлаб чиқилган ҳамда мазкур вилоятларнинг фермер хўжаликларида экиш учун жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлардан олинган натижалар дала ва лаборатория усулларида ўтказилганлиги, ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққослаб, таҳлил қилинганлиги, тўпланган маълумотлар ҳисоботлар тарзида институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, тажриба натижаларига ишлов беришда замонавий статистик таҳлил услубларидан фойдаланганлиги ҳамда республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтинсимон қорағатнинг янги коллекция навларига морфо-биологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги,

улар орасидан юқори ҳосилдорлиги, абиотик омилларга (иссиққа, курғоқчиликка ва совуққа) чидамли навларнинг ажратилганлиги ва янги истиқболли ва районлаштирилган “Ойдин” (54%), “Ядгор” (91,6%) ва “Узбекская сладкая” (136%) навларнинг иқтисодий самарадорлиги андоза “Плотномая” (40%) навига нисбатан 14 фоиздан 96 фоизгача юқори эканлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, янги яратилган олтинсимон қорағатнинг “Ойдин”, “Узбекская сладкая” ва “Ядгор” навларидан соф даромад (етиштирилаётган навларга нисбатан) бир гектардан 25606 минг сўмдан 64381 минг сўмгача юқори бўлиши билан бирга мевасининг таркибида С, В, В₉, А, Р, К витаминлар, қанд, органик кислота, хушбўй моддаларга бойлиги, мураббо, жем, пюреси ва шарбати хушбуй хидли, ташишга яроқли озиқ-овқат маҳсулотлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари 2019-2021 йилларда Андижон вилояти Асака тумани “Бўз ариқда Орифжон ери” фермер хўжалигида 0,30 гектар, Андижон вилояти Избоскан тумани “Қўнғиротлик Рустамжон боғи” фермер хўжалигида 0,45 гектар ҳамда Андижон вилояти Избоскан тумани “Абдуқодиржон асл меъроси” фермер хўжалигида 0,30 га майдонда жорий этилган бўлиб, илмий изланишларга кўра, “Ойдин”, “Узбекская сладкая” ҳамда “Ядгор” навларидан бошқа навларга қараганда 20-25% юқори ва сифатли ҳосил олинган. Гектаридан олинган ўртача соф даромад 5,4 млн сўмни ташкил этган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 6-сентябрь № 07/33-04/6265 маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 3 та патент, 14 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик

диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма чоп этилган.

I. ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

1.1. Олтинсимон қорағат (*Ribes aureum pursh*) нинг ботаник таснифи ва тарқалиши.

Олтинсимон қорағат *Ribes aureum Grossulariaceae* оиласининг *Ribes* туркумига мансуб ҳисобланади. Биринчи марта Карл Линней (1753) *Ribes* ни иккита турга *Ribes inermia* ва *Grossularia accileata* га ажратган бўлса, орадан 120 йил ўтиб Россиялик олим, йирик ботаник К.И.Максимович (1873) *Ribes* га мансуб ўсимликларни морфологик белгилари, биологик хусусиятлари, тарқалиш ареали бўйича 6 та турларга ажратади. Бугунги кунга келиб эса олимлар ушбу авлодга мансуб 190 га яқин турларни аниқлашди.

Ушбу қорағат турлари морфологик (гулларининг тузилиши, ранги, гулда чангчи ва уруғчиларининг жойлашиши, баргларининг шакли, ранги, силлик ёки бурмалилиги, барг бандининг узунлиги, меваларининг йириклиги, ранги, шакли, таъми) белгилари, новдадаги куртакларнинг жойлашиши, пўстлоғининг ранги ҳамда мевасининг хушбўй ҳидли ва ташқи муҳит омилларига муносабати (ҳароратга, намликка, ёруғликка ва озик моддаларга бўлган талаби) билан бир биридан фарқ қилади (1-6 расмлар).

Олтинсимон қорағатнинг ватани Шимолий Американинг тошли тоғлари ҳисобланиб Вашингтон штатидан то Калифорниягача, Шарқий қисми Ассинибоя (Assiniboia), С.Монтана, Колорадо, Янги Мексикагача боради.

Шимолий Америкадан Европага қорағат (*Ribes aureum Pursh*) XVIII асрнинг биринчи ярмида бошқа экин турлари билан бирга олиб келинган. *Ribes aureum Pursh* ни Россияга аниқ қачон кириб келганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ бўлсада, биринчи қорағат кўчатлари Никитин номли ботаника боғига 1816 йилда етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Бугунги кунда Россияда қорағатнинг 37 та ёввойи ва 57 та маданий турлари учрайди.

Қорағат кўп йиллик бутасимон ўсимлик бўлиб, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда қорағатнинг қора, олтинсимон, қизил, оқ ва пенсильван каби турлари етиштирилади.



1-расм. *Ribes malvacem*



2-расм. *Ribes cereum*



3-расм. *Ribes sanguineum*



4-расм. *Ribes aureum*



5- расм. *Ribessanguineum*



6- расм. *Ribes speciosum*

Қора ва қизил қорағат новдаларидаги куртакларнинг жойлашиши, пўстлоғининг ранги ҳамда мевасининг хушбўй ҳидли ёки ҳидсиз бўлиши билан фарқланади. Қора қорағатнинг бир йиллик новдаларининг пўстлоғи сариқ рангли бўлиб, узун-узун кулранг чизиғи бор, ўса борган сари пўстлоғи жигарранг тусга киради. Барча новдаларида сепкилсимон доғлари кўзга

ташланади. Куртаги, япроқлари, пўстлоғи ва меваси ўзига хос хидга эга. Қизил қорағатнинг хиди йўқ, барча новдалари секин ривожланиши билан қора қорағатдан осон ажратиш мумкин. Қора қорағатнинг гулкуртаклари аралаш, қизилники эса оддий бўлади.

Қора қорағат. Қора қорағатнинг ҳар бир гулкуртакларидан бир вақтнинг ўзида ҳам вегетатив, ҳам генератив органлар ривожланади, қизил қорағатнинг битта куртагидан барг ва новда, бошқа куртагидан эса фақат гул чиқади.

Қора қорағатнинг илдиз тизими попук илдиз бўлиб бу тур қорағат уруғидан, каламчадан, пархиш қилиш ва тупларни бўлиш йўли билан кўпайтирилади.



7-расм. Қора қарағат меваси ватупининг кўриниши

Қорағатнинг ўсув даври жуда эрта февралнинг охири ёки мартнинг бошларида бошланади. Апрельнинг биринчи ўн кунлигида гуллай бошлайди. Гулбанди кўп гулли, гул косаси трубкасимон, беш бўлакли, эгилган қизғиш гулкосаси бешта гултожи баргли, оч яшил ёки сарғиш. Чангчилари бешта. Оналик устунчаси эса чангчилари билан бир қаторда ёки улардан пастроқда жойлашган. Оғизчаси иккига бўлинган. Уруғдони бир уйли, серуруғ. Ҳосили навидан қатъи назар, май ойининг охири июнь ойининг бошидан август ойигача етилади.

Қора қорағатнинг кимёвий таркиби. Меваси қора ёки қўнғир рангда, думалоқ, чўзиқ, ноксимон ёки ясси шаклда. Мевасининг таркибида С, В, В₉, А, Р, К₁ каби витаминлар, қанд, органик кислота, хушбўй моддалар бўлгани учун ҳам қимматлидир. Улар янги узилган, қуритилган, музлатилган, мураббо шаклида ҳамда шарбат ҳолида истеъмол қилинади.

Қорақорағатнинг меваси бошқа турдаги қорағатларга қараганда аскорбин кислотасига анча бой, нави намлик ва ҳароратнинг ўзгаришига қараб таркибидаги витамин С 86,17 дан 344,66 мг% гача бўлади. Меваси таркибида 5,0 дан 13,6 фоизгача – қанд моддаси, 0,96 дан 3,92 фоизгача-кислоталар, 0,39-1,44% - пектин моддаси мавжуд.

Қорақорағатнинг кўпчилик навларининг 50 г. мевасида С витаминининг суткалик нормаси ҳамда Р актив моддасининг беш-олти суткалик дозаси сақланади. Қора қорағат таркибида кам учрайдиган К₁ (0,8-1,2 мг%) витаминдан қон қуюлиб қолмаслиги учун фойдаланилади. Мураббосининг тез қуюлиши қорағатнинг пектинга жуда бой эканлигини билдиради. Қорақорағатнинг меваси ва барглари цинг, гипо ва авитаминоз ҳамда организм заифланиши туфайли содир бўладиган касалликларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Халқ табобатида қорағатнинг ёш барглари қайнатмасидан ширинча (болалар касаллиги), терикасалликлари, шамоллаш, қовуққасаллиги, ревматизм, бўғин оғриши ҳамда умумий дармонсизланиш касалликлари учун тавсия қилинади.

Қорағат меваси билан тайёрланган шарбат билан томоқ оғриғи, кўк йўтал касалликларини даволаш мумкин. Шунингдек бу фойдали шарбатларни ошқозон яраси ва ичак касалликларини даволаш мақсадида ҳам қўлланилади.

Қора қорағат эрта ҳосил берадиган ўсимлик, у экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради. Россияда унинг ўртача ҳосилдорлиги жуда юқори, баъзи хўжаликларда ҳатто гектарига 8-10 тоннагача боради.

Ўзбекистон шароитида қишнинг илиқ кунларида уйғонган қорағатнинг куртаклари совуқ тушиши билан қаттиқ шикастланади, натижада унинг ҳар

тупидан олинадиган ҳосил 30 дан 300 грамм оралиғида бўлади. Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида муаллифлар томонидан яратилган қорағатнинг Ташкентская (№17-1), Восточная (№23-3) навлари қишнинг илиқ кунлари ва ёзнинг жазирамасига анча чидамли бўлиб, уларнинг тупларидан олинадиган ҳосилдорлик 2500 грамм ни ташкил қилади.

Қизил қорағат. Қизил ва оқ қорағатнинг маданий навлари қорағатнинг уч туридан келиб чиққан: оддий, қизил ва қояли. Қизил қорағат кўп йиллик бута, унинг илдиз тизими 1,5 метр чуқурликга чакириб боради. Барглари қатор жойлашган бўлиб, уч-беш парракли ёки бутун.

Мева куртаклари бир йиллик буталарда битта-биттадан, икки ва кўп йиллик новдаларда эса тўп-тўп бўлиб, бир ва икки йиллик ўсимталар оралиғида жойлашади.

Гулкосаси қўнғироққа ўхшаш, ликобчасимон ёки косасимон. Гултожиси бешта кичик сарғиш ёки кўкимтир гулбарглardan иборат. Уруғдони бир уяли, кўп уруғли. Чангчи оталиги бешта. Уруғчи устунчаси, иккита бир-бирига ёпишиб ўсган, оғизчаси иккига ажралган.



8-расм. Қизил қарағат меваси ватупининг кўриниши

Гуллари гулбандида йиғилган. Меваси думалоқ ясси шаклда. Қизил қорағат меваси қизил, тўқ ва оч-қизил рангли ёки пушти, оқ қорағат меваси эса сарғиш, оқиш рангли бўлади.

Қизил қорағатнинг кимёвий таркиби. Қизил қорағат мевасининг таркибида 4,86-7,94% қанд моддаси, 0,589-2,350% кислоталар, 26,0-76,0 мг% С ва 1081,7 мг% Р витаминлар ҳамда хушбўй моддалар бор. Мевалари янги узилган ва шарбат ҳолида истеъмол қилинади.

Қизил қорағат худди қора қорағат каби қаламча, пархиш ва буталарини бўлиб ҳамда янги нав яратиш учун уруғидан кўпайтирилади, серҳосил экин. Россиянинг Европа қисмида ҳар тупидан 20 килограммдан, Ўзбекистонда эса 4,0 килограммгача ҳосил олинади. Ўзбекистонда қизил қорағат навларини тоғ-тоғ олди ҳудудларида экиш тавсия қилинади.


Қорағатнинг қизил нави ўзидан-ўзичангланади. Экилганидан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.

Олтинсимон қорағат. Олтинсимон қорағат қизил ва қора қорағатга кўра кучли ўсиши билан кескин фарқ қилади. Туплари баланд. Крижовник барглариға ўхшаш, ҳидли, гуллари эса тўқ сарик, ўткир ҳидли. Меваси ўзига хос хушбўй.

Олтинсимон қорағат кўп йиллик бута бўлиб, илдиз тизими 2 метр чуқурликкача етади. Барглари навбат билан жойлашган, уч-беш бўлакли, оч ва тўқ яшил рангли бўлиб, баъзилари бир оз, айримлари эса тарвақайлаб кетади. Ташқи кўриниши крижовник ўсимлигининг баргларини эслатади. Кузда бу нав барглари тўқ қизил ёки сарғиш қизил ранг олади.

Мевали куртаклари бир йиллик новдаларида битта-биттадан, икки ва кўп йиллик шохларида эса тўп-тўп бўлиб жойлашади.

Гулларида иккита гул олди бўлиб, гулкосачалари бешта. Гултожисида бешта йирик ёки ўртача шаклдаги лимон рангли ёки оч-сарик парраклари бўлиб, гуллаш даврида кучли ёки кучсиз антоцион ранг олади



ёки умуман рангсиз бўлади.

9-расм. Олтинсимон қорағатнинг гул тузилиши

Уруғдони бир уяли, кўп уруғли (9-расм). Чангчи оталиги бешта. Оғизчаси ажралган, чангланувчи оналиги чангчи оталигидан бир мунча юқорида ёки тенг жойлашган бўлади.

Гуллари шингил бандида тўпланган, жуда хуш бўйлиги учун ҳашаротларни, айниқса, асаларини ўзига жалб қилади.

Олтинсимон қорағатнинг гуллаши март ойи охири апрелнинг биринчи ўн кунлигига тўғри келади, меваси эрта баҳорда май ойининг охирида июнь ойининг биринчи ўн кунлигида, яъни қора қорағатнинг эртаги навлари билан тенг пишиб етилади. Бироқ баъзи навларининг етилиши бир оз чўзилади. Меваси-қора, қизил, тўқсариқ, сариқ, бинафша рангларда бўлади.

Олтинсимон қорағатнинг кимёвий таркиби. Олтинсимон қорағат мевасининг таркибида 6,29 дан 13% гача қанд моддаси, 0,94 дан 2,04% гача кислоталар, 43,2 дан 187 мг% гача С витамини, 8,05 мг% гача А провитаминлари ва 1,5% пектин (курук масса ҳисобида) моддаси бор. Қорағат меваси янги узилган ҳолда, муроббо, шарбат ва желе (мева шарбатининг куюлтирилгани) ҳолида истеъмол қилинади.

Олтинсимон қорағат қаламча, буталарни бўлиш, ҳамда уруғидан кўпайтирилади. Ҳосилдорлиги бошқа навларга нисбатан анча юқори: ҳар бир тупидан 8-20 килограммгача мева териб олинади. Қорағат туплари ўтқазилгандан сўнг иккинчи йили ҳосилга киради.



Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида олиб борилган селекция ишлари натижасида республикамызда ва бошқа Ўрта Осиё республикаларида кенг тарқалган қорағатнинг юқори ҳосилли, иссиққа чидамли, меваси йирик бўлган, бир нечта истиқболли нав ва шакллари яратилган.

Марказ Осиёга, жумладан Ўзбекистонга қорағат ўсимлиги XX аср бошларида кириб келган ва селекция ишларига асос солиниб, 1947 йилда Р.Р.Шредер, ҳозирги Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида С.И.Ягудина ва унинг сафдошлари (Р.М.Абдуллаев ҳамда Ҳ.Р.Абдуллаевалар) навлар яратилган ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган.

1.2. Крондаль ва Мичурин навларининг агробиологик хусусиятлари ва қимматли хўжалик белгилари

Ҳозирда, Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг генофондида қорағатнинг жами 46 та нави, жумладан, қора қорағатнинг (*Ribes nigrum* L) 13 та нави, қизил қорағатнинг (*Ribes rubrum* L) 6 та нави, олтинсимон қорағатнинг (*Ribes aureum* Pursh) 15 та нави ва 12 та дурагайлари тирик ҳолда сақланмоқда.

Мевали экинлар селекцияси бошқа кишлок хўжалик экинлари селекциясидан тубдан фарқ қилиб айрим ҳолларда битта нави яратиш жараёнида бир нечта авлодлар иштирок этади. Биз томондан яқунланган илмий-тадқиқотлар ҳам 1947 йилда С.И.Ягудина ва унинг издошлари томонидан бошланган.

Маълумки, 1947-1979 йиллар С.И.Ягудина ва институтнинг бир қатор олимлари томонидан Американинг Крондаль ва Россиянинг Мичурин навлари чатиштирилиб 100 га яқин дурагайлар олинган. Кейинчалик ушбу дурагайлардан “Плотномыся”, “Ўзбекистанская крупноплодная” ва “Ўзбекская сладкая” навлари яратилган. Қуйида ота- она сифатида танланган

“Крондаль” ва “Мичурин” навларининг агробиологик хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

1.2.1. Крондаль навининг тавсифи.

Крондаль қорақарағат ва крижовникни сунъий чатиштириш натижасида яратилган, бир неча авлод селекционерларининг кўп йиллик меҳнати самарасидир. Олимларнинг ушбу тадқиқотлардан асосий мақсади қорағатнинг ҳосилдорликни ошириш, сифатини яхшилаш ва касалликларга бардошлигини кучайтиришга қаратилган эди. Илк тажрибалар (1930) И.В.Мичурин томонидан ўтказилиб, бир бирига узоқ бўлган (қорағат ва крижовникни) турларни ўзаро чатиштириш назариясини ишлаб чиқди. Шундан кейин турли мамлакатларда қорағат ва крижовникни ўзаро чатиштириш бўйича жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, урунишлар кетма-кет муваффақиятсизликка учраган. Яъни, олинган дурагайлар яроқсиз ёки бепушт бўлиб чиқган.



11-расм. Қорағатнинг Крондаль нави

Узоқ урунишлардан сўнг орадан 40 йил ўтиб, 1970 йилда немис олимлари биринчи марта (радиация ва кимёвий усуллар ёрдамида) авлод бериш имкониятига эга бўлган илк дурагайларни яратди. Кейинчалик Россияда, АҚШ, Швецияда ва Венгрияда ҳам қорағат билан

крижовникнинг бир нечта дурагайлари яратилди.

Қорағатнинг Крондальнави ўзининг ота-онаси бўлган крижовник ва қора қорағатнинг ўзаро чатиштириш натижасида яратилган дурагай бўлиб, аجدодларидаги ижобий хусусиятларни ўзида жамлаган, совуққа ва касалликларга чидамли, кўп йиллик бута ўсимлик ҳисобланади. Бутанинг баландлиги 2-2,5 метргача. Кўчатлари қизил, яланғоч ёки майда тукли, бир оз

тарвақайлаб ўсган, йиллик ўсиши 30-40 см. Илдизлари кучли, тупроққа 1,5 м. чуқурликгача кириб боради.

Барглари навбатма-навбат жойлашади. Шингилида 5-15 тагача гуллар жойлашади, узунлиги 3-7 см. Гуллари сариқ, сариқ-яшил, хушбўй, диаметри 1,5 см. гача, узунлиги 1 см. гача. Крондальнинг мевалари қора рангли, таъми ёқимли нордонроқ ширин, кўпроқ крижовникка ўхшаб кетади. Меваси қора овалсимон думолоқ. Меваси пишиб етилганда ҳам гултожибарглари меваларининг учки қисмида сақланиб қолади (ушбу ҳолат асосан крижовникларда кузатилади).

1.2.2. Мичурин навининг тавсифи

Нав эрта пишар бўлиб И.В.Мичурин номидаги Бутуниттифоқ Генетика ва мевали дарахтлар селекцияси илмий тадқиқот институти томонидан Сибирь қора қорағати Европа навлари билан эркин чангланиш йўли орқали олинган.

Туп ўрта бўйли, ўртача тарқаладиган, сийрак. Ўсаётган ёш новдалар қалин, текис, оч яшил рангга эга. Куртаклари ўрта ва катта, тухумсимон, қалин тана устида жойлашган, новданинг четига бурилган ёки унга параллел жойлашган.



12-расм. Қорағатнинг Мичурин нави

Барг чокининг шакли юмалоқ. Барги беш қиррали, ўрта ва катта, тўқ яшил, этли, буришган. Барг сатхи силлиқ, ялтироқ, бироз эгилган, Марказий томир бўйлаб йиғилган, барг қирраси тўлқинли. Нав қишга чидамли, юқори хосилли, ўз-ўзини чанглай оладиган, ўртача хосилдорлик 10,0 т/га (бир тупидан 2,8 кг).

Камчилиги: чириш ҳамда антракнозга чидамсиз. Мевалари йирик эмас.

Афзалликлари: ҳосилдор, меваларнинг таъми ширин, касалликларга (антракноздан ташқари) ва совуққа чидамлилиги.

Сўнги йилларда Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан олтинсимон қорағатнинг янги серҳосил, иссиққа чидамли, йирик мевали ва витаминларга бой навларини яратиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилди. Натижада эса олтинсимон қорағатнинг очик далада етиштириш учун мос “Узбекская сладкая”, “Ядгор”, “Ойдин” навлари яратилди.

Ушбу навлар бўйича тадқиқот ишлари 1995 йил институт тажриба даласида бошланган бўлиб, Американинг Крондаль ва Россиянинг Мичурин навларининг ўзаро частиштириш асосида яратилган “Ўзбекистанская крупноплодная” навининг F_2 дурагайларида клонли (якка танлаш) услуби асосида амалга оширилган.

Тадқиқотлар учун олинсимон қорағатнинг 20 та нав ва дурагайлари жалб этилиб, улардан селекциянинг турли йўналишлари, жумладан: серҳосил, йирик уруғли, касаллик ва совуқ ҳароратга бардошли навларини яратиш учун бирламчи манбалар ажратиб олиш бўйича изланишлар олиб борилди. Тадқиқотлар Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” (Орёл 1999) асосида амалга оширилиб, ўсув даври давомида фенологик кузатувлар биометрик ўлчовлар ва ҳосил йиғим-терим даврида лаборатория таҳлиллари амалга оширилди.

Фенологик фазаларини кузатишда куртакларни бўртиши, гуллаш бошланиши, қийғос гуллаши ва тугаши, меваларнинг пиша бошлаши, қийғос пишиши ва тугаши, баргларнинг рангини ўзгариши, баргларни тўкилиши ва вегетациясининг тугаши қайд этиб борилди.

Куртакларнинг очилиш санаси сифатида аксарият ўсимликларда куртаклардан барг учлари чиқа бошлаган кун қайд этилди. Кузатувлар кун ора амалга оширилди. Гуллаш даври: а) бошланиши– биринчи гулларини очилиши

(-10%), б) қийғос - 60% гулларини очилиши, в) тугаши–тупларда гулларнинг бутунлигича 5% қолган гулларини эса у ёки бу ҳолдаги гул тожибаргларнинг тўкилганлиги. Гуллаш кучини баҳолаш бута ёшидан ва ривожланганлигини ҳисобга олиб 5 балли даражада белгиланди.

Меваларнинг пишиш муддати: а) илк меваларнинг пишиши, навга ҳос тусга кирган биринчи соғлом меваларнинг пайдо бўлиши б) ёппасига пишиш-умумий меваларнинг 50% да, в/х.) пишиш муддатининг тугаши – умумий меваларнинг 90% пишганда аниқланди.

Олтинсимон қорағат тупларининг умумий ҳолати: ҳар йили баҳор ва куз фаслларида 5-баллик даражада ўсимликнинг туп танаси қалинлиги, йиллик ўсув даражаси, барглар ўзгариш жадаллиги ва бошқалар бўйича баҳоланди.

Барглар рангини ўзгариши кузда ўрганилди ва балларда ифодаланди: 0-баргларнинг ранги ўзгармаган; 1-ранг алоҳида баргларда ўзгарган; 2-ранг 10% баргларда ўзгарган; 3-ранг 30% баргларда ўзгарган; 4-ранг 70% баргларда ўзгарган; 5-ранг 70% дан ортиқ баргларда ўзгарган.

Хазонрезгиликнинг бошланиши - баргнинг табиий тўкилишида 20- 25% барглар тўкилган санадан аниқланди. Хазонрезгилик кузатув ишлари ҳар беш кунда бир марта ўтказилди. Баргининг тўкилиш даражаси совуқ тушгунга қадар вегетацияси тўлиқ яқунланмайдиган навларда кўз билан тавсифланди. Натижалар фоизларда ифодаланди (20, 40, 60 ёки 80% барглар тўкилган). Бундай навларда вегетациянинг якуни сифатида ўсишни тўхташига олиб келувчи барқарор совуқ тушган сана қайд этилди. Кузатувлар ҳосил ва мева рангига киришига қараб кўзда чамалаш усулида олиб борилди. Ҳосилдорликни аниқлаш учун турли даражада ўсиб ривожланган бута тупларидан бештаси танлаб олинади ва ҳар бир тупдан резавор мевалар териб аниқланди. Туплардан териб олинган ҳосил миқдори гектарга айлантирилиб ҳисобланди. Меваларнинг ўртача ва энг йирик массаси ўлчанди.

Тадқиқотларда андоза сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган

серҳосил “Плотномая” нави олинди. Олтинсимон қорағат коллекцияси кўчатлари 3х1 м. озиқланиш кенглигида ўтқазилди.

II. ҚОРАҒАТНИНГ ГЕНОФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА СЕЛЕКЦИЯНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН БИРЛАМЧИ МАНБАЛАР ТАНЛАШ

Олтинсимон қорағатнинг кечроқ гулга кириш хусусияти селекцияда ижобий ҳолатларидан бири ҳисобланади. Айнан шундай хусусиятга эга бўлган № 14-7 ва №13-27 (Крондаль X Мичурин) дурагайлари танлаб олинди. Ушбу намуналар бошқа нав ва дурагайларга нисбатан 2-5 кун кечроқ гуллаганлиги, бу эса совуқ кунларнинг ўтиши ҳисобидан 10% эртанги сифатли ҳосилни совуқ урушдан сақланиб қолганлиги кузатилди.

Ядгор ва Ойдин навларининг яратилиш тарихи. Олтинсимон қорағатнинг Крондаль нави қора қарағат ва крижовникни сунъий чатиштириш натижасида олинган дурагайи бўлиб, 1955 йилда С.И.Ягудина томонидан Россиянинг Мичурин нави билан чатиштирилган ва 274 та дурагай ўсимликларини олган. Кейинчалик ушбу дурагайларнинг морфо-биологик ва хўжалик белгилари бўйича ўрганилиб қимматли хўжалик белгилари бўйича 3 та (№1; №-2 ва №3) наъмуналарни танлаб олган. Шундан №-1 “Плотномая”, №2 “Узбекистанская крупноплодная” навлари яратилган ва 1959 йили Давлат реестрига киритилган.

2008-2009 йиллар “Узбекистанская крупноплодная” (F₁) навининг эркин чатишиш орқали (F₂) уруғларидан етиштирилган 700 та кўчатлар етиштирилган, қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганишлар натижасида якка танлаш усули билан №-13-27 ва № 14-7 намуналари танлаб олинди.

Узбекская сладкая навларининг яратилиш тарихи. С.И.Ягудина (Крондаль X Мичурин) қимматли хўжалик белгиси бўйича танлаб олинган №3 рақамли намунасига “Узбекская сладкая” –деб ном берган.

2007-2009 йиллар Узбекская сладкая навидан 140 та ўсимликлар клон усулида ажратиб олинди. Ушбу ўсимликлар 2011 йилда биринчи ҳосилларини берган бўлса, 2013 йилда тўлиқ ҳосилга кирди ва ушбу ўсимликлардан №-48 рақамли ўсимлик қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаб олинди. Ушбу

нав “Узбекская сладкая” навининг клони бўлганлиги учун “Узбекская сладкая” номи сақлаб қолинди.

2.1. Олтинсимон қорағат нав ва дурагайларида фенологик фазаларнинг давомийлиги

Маълумки, мевали ва резавор мевали ўсимликларда икки хил табиий ва мажбурий тиним даврлари кузатилади. Одатда, февраль ойининг охири ва март ойининг бошларида ҳаво ҳароратининг қисқа муддатли $+10+15^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши мевали дарахтларнинг ҳам мажбурий тиним давридан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Баҳордаги сурункали совуқ кунлар эса бодом, ўрик, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларнинг ўйғонган куртаклари ва гулларни совуқ уриб кетиши натижасида ҳосил бутунлай йўқотилади. Олтинсимон қорағатларда эса гуллаш жараёни узок, босқичма-босқич давом этиши ундан ҳар йили ҳосил олиш имконини беради.

Олтинсимон қорағат бошқа қорағатларга нисбатан совуққа бардошли бўлиб куртакларининг бўртиши февраль ойининг охирларига тўғри келади (1-жадвал).

2011-2015 йиллар давомида олтинсимон қорағатнинг “Плотномьяся” навида куртакларнинг бўртиши 24 февралга, куртакларнинг очилиши эса 3 мартга тўғри келган бўлса, ўрганилаётган нав ва дурагайлардан фақат “Узбекская сладкая” навидагина куртакларнинг бўртиши андоза билан бир вақтда 24 февралда содир бўлди. Коллекция кўчатхонасидаги барча нав ва дурагайларда куртакларнинг бўртиши андозага нисбатан 2-4 кун, куртаклар эса 1-3 кунга кеч очилиши кузатилди. Куртакларнинг энг кеч (1 мартда) бўртиши “Алёна” нави, ҳамда №13-2 ва №13-27 намуналарида кузатилган бўлса қолган барча нав ва дурагайларда ушбу физиологик жараён 25-27 февраль кунларига, очилиши эса 2-6 март кунларида қайд этилди.

Олтинсимон қорағатнинг нав ва дурагайларида гулга кириш фазасида ҳам ўзаро фарқлар кузатилиб, жумладан: андоза “Плотномьяся” навида бошланиши 24 мартга, қийғос гуллаши 29 мартга, тугаши эса 21 апрелга тўғри

Олтинсимон қорағат нав ва дурагайларида фенологик фазаларнинг давомийлиги

2011-2015 йиллар

№	Навлар ва дурагайлар	Куртакларни		Ўсимликни холати балл	Гуллаш			Гуллаш давомий лиги, кун	Мева пишиши			Пишиш давомий лиги, кун
		бўрти- ши	Очили ши		Бошла ниши	қийғос гуллаши	тугаши		Бошла ниши	қийғос пишиши	тугаши	
1	Плотномая (st)	24.II	3.III	5	24.III	29.III	21.IV	29	22.V	1.VI	12.VI	22
2	Узбекистанская крупноплодная	27.II	6.III	5	25.III	5.IV	24.IV	31	23.V	8.VI	12.VI	21
3	(№-3) Узбекская сладкая	24.II	6.III	5	25.III	4.IV	23.IV	33	22.V	3.VI	12.VI	25
4	Олтиной	26.II	5.III	4	21.III	1.IV	17.IV	28	16.V	26.V	11.VI	27
5	Сиюма	26.II	5.III	4	23.III	3.IV	22.IV	31	20.V	3.VI	12.VI	24
6	Рухшона	27.II	6.III	5	22.III	3.IV	21.IV	31	18.V	1.VI	11.VI	25
7	Ирода	27.II	6.III	4	23.III	3.IV	23.IV	32	22.V	1.VI	13.VI	23
8	Алёна	1.III	6.III	4	23.III	4.IV	22.IV	31	22.V	2.VI	9.VI	20
9	№ 14-7 (Ядгор)	27.II	6.III	5	27.III	6.IV	20.IV	29	20.V	2.VI	12.VI	28
10	Дўстлик	25.II	4.III	4	21.III	29.III	18.IV	29	20.V	30.V	12.VI	24
11	Эликсир	27.II	5.III	5	21.III	1.IV	17.IV	28	20.V	30.V	12.VI	24
12	№15-5	27.II	6.III	4	25.III	4.III	21.IV	28	29.V	7.VI	12.VI	15
13	№13-7	28.II	2.III	5	24.III	5.IV	23.IV	29	17.V	28.V	13.VI	28
14	№13-2	1.III	5.III	5	25.III	3.IV	21.IV	28	20.V	2.VI	13.VI	25
15	№13-27 (Ойдин)	1.III	6.III	5	27.III	6.IV	21.IV	29	22.V	1.VI	9.VI	30
16	№13-16	1.III	6.III	4	23.III	3.IV	20.IV	28	20.V	1.VI	9.VI	21
17	№13-17	27.II	5.III	4	23.III	2.IV	21.IV	29	20.V	29.V	6.VI	18
18	№15-12	27.II	5.III	3	24.III	1.IV	22.IV	30	22.V	30.V	13.VI	23
19	№5-11	27.II	4.III	4	25.III	4.IV	19.IV	30	16.V	25.V	9.VI	25
20	Золотистая	26.II	5.III	4	22.III	4.IV	23.IV	33	22.V	3.VI	9.VI	19

келган бўлса, “Олтиной”, “Дўстлик”, “Эликсир” нав-дурагайларида гулларнинг пайдо бўлиши 21 мартга, қийғос гулга кириши “Олтиной” ва “Эликсир” навларида 1 апрелда, “Дўстлик” навида эса 29 мартда қайд этилди. Коллекция кўчатхонасида гуллаш давомийлиги 28-33 кунни ташкил этиб, энг узок гуллаш жараёни “Узбекская сладкая” навида (33 кун) давом этди (12-расм).



12-расм. Фенологик кузатув жараёни

“Плотномыся” (st) навида илк меваларининг пишиши 22 майда, тугаши 12 июнда, давомийлиги эса 22 кунга тенг бўлган бўлса, энг қисқа вақт №5-11, №13-7, “Рухшона”, “Золотистая” нав ва дурагайларда кузатилиб меваларининг пишиш давомийлиги 15-19 кун давом этди. Меваларнинг пишиш давомийлиги энг узок (№-3) “Узбекская сладкая”, “Олтиной”, № 14-7, №13-7 ва №13-27 нав ва дурагайларда қайд этилиб, биринчи 10% меваларнинг пишишидан тугашигача бўлган давр 27-30 кунга тенг бўлди. Тадқиқотларга жалб этилган бошқа нав ва дурагайларда эса пишиш давомийлиги 21-25 кунгача давом этганлиги кузатилди. Меваларини пишиш давомийлигининг узок давом этиши ҳам қорағат навларининг ижобий

белгиларидан бири ҳисобланади. Ушбу белгибўйича (№-3) “Узбекская сладкая”, “Олтиной”, № 14-7, №13-7 ва №13-27 нав дурагайлари танлаб олинди.

2.2. Селекция кўчатзорида олтинсимон қорағат нав ва дурагайлари ^{нинг} бир туп кўчатининг ҳосилдорлиги бўйича ўрганиш натижалари

Олтинсимон қорағат селекция кўчатзорида парваришланаётган нав ва дурагайлар 2011-2015 йиллар давомида битта ўсимлик ҳосилдорлиги бўйича ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Селекция кўчатхонасида олтинсимон қорағат нав ва дурагайлари ^{нинг} бир тупнинг ҳосилдорлигининг 5 йиллик ўртача кўрсаткичлари (кг).

№	Навлар	Ҳосилдорлик 1 тупдан, кг					
		2012	2013	2014	2015	жами	ўртача
1	Плотномьяся (st)	0,540	0,250	1,1	1,01	2,495	0,624
2	Узбекистанская крупноплодная	0,450	0,301	0,65	0,89	1,954	0,488
3	(№-3) Узбекская сладкая	0,650	0,350	0,810	0,800	2,610	0,653
4	Олтиной	0,5	0,310	0,853	0,820	2,108	0,527
5	Сиюма	0,250	0,180	0,450	0,910	1,603	0,401
6	Рухшона	0,26	0,20	0,60	0,740	1,605	0,401
7	Ирода	0,3	0,24	0,74	0,68	1,735	0,434
8	Алёна	0,19	0,15	0,45	0,400	1,48	0,262
9	№ 14-7 (Ядгор)	0,571	0,474	0,82	2,16	4,10	1,024
10	Дўстлик	0,32	0,21	0,45	0,68	1,42	0,355
11	Эликсир	0,42	0,31	0,49	0,69	1,595	0,399
12	№15-5 (э.ч.)	0,29	0,21	0,56	0,91	1,753	0,438
13	№13-7 (э.ч.)	0,41	0,312	0,74	0,95	2,105	0,526
14	№13-2 (э.ч.)	0,31	0,24	0,39	0,785	1,493	0,373
15	№13-27 (Ойдин)	0,454	0,362	0,882	1,69	4,048	1,012
16	№13-16 (э.ч.)	0,32	0,32	0,76	0,86	2,02	0,505
17	№13-17 (э.ч.)	0,51	0,29	0,91	0,91	2,238	0,559
18	№15-12 (э.ч.)	0,54	0,25	1,1	1,01	2,495	0,624
19	№5-11 (э.ч.)	0,45	0,301	0,65	0,89	1,954	0,488
20	Золотистая	0,25	0,25	0,51	0,8	1,623	0,406
	ЭКФ05	0,01	0,0	0,02	0,04		0,03
	ЭКФ%	3,2	2,6	3,0	4,0		4,9
	V	2,3	1,9	2,2	2,9		3,6

2011-2015 йиллар давомида андоза нав“Плотномьяся” (st) навини битта бута дарахтининг ҳосилдорлиги ўртача 0,624 кг. бўлиб, ўрганилаётган 19 та нав ва дурагайлардан 16 таси андоза навга нисбатан 65 граммдан 360 граммгача паст натижаларга эга бўлганлиги аниқланди.

Ушбу нав ва наъмуналар республикамизнинг эрта баҳорги ўзгарувчан иқлим-шароитига андоза “Плотномьяся” (st) навига нисбатан таъсирчан бўлиб, баҳор ойлари илиқ келган йилларда ҳосилдорлиги сезиларли даражада юқори бўлганлиги кўп йиллик кузатишлар натижасида ўз исботини топди. Масалан, битта бутанинг ҳосилдорлиги “Сиюма” навида 2012-2013 йилларда 250-180 г., 2014-2015 йилларда эса (баҳор кунлари бир текиста илиб борган йиллар) 0,450 ва 910 граммни ташкил этди.

1-диаграмма

Олтинсимон қорағат нав ва дурагайларининг битта бута ҳосилдорлик кўрсаткичлари, (кг).

2012-1015 йй.



ҳосилдорлик “Алёна” (0,262 кг.), №13-2 (0,373 кг.), “Дўстлик” (0,355 кг.), “Эликсир” (0,399 кг.) нав ва дурагайларда кузатилди. Битта бута ҳосилдорлиги бўйича андоза навга нисбатан фақат 3 та нав ва дурагайлар, жумладан: “Узбекская сладкая” (0,653 кг.), № 14-7 (1,024 кг. “Ядгор”) ва

№13-27 (1,012 кг. “Ойдин”) юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Фақат битта №15-12 дурагай андоза “Плотномьяся”нави билан бир хил натижага тенг бўлди. Қолган 16 та нав ва дурагайлар эса андоза навга нисбатан паст кўрсаткичларга эга бўлганлиги кузатилди (1-диаграмма).

2.3. Ҳосилдорлик хусусияти бўйича танлаб олинган олтинсимон қорағатнав ва дурагайлари

Олтинсимон қорағат нав ва дурагайлари билан олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинганда ҳосилдорлик бўйича 4 йиллик ўртача кўрсаткичлари қуйидагича намоён бўлди. Маълумки, республикамиз иқлим-шароити тез ўзгарувчан бўлиб, баҳор ойлари баъзан эрта, баъзан эса кеч келиши кузатилади. Кўп ҳолларда февраль ойининг охири март ойлариининг бошларида ҳаво ҳарорати кўтарилиб март ойининг охири ёки апрель ойининг бошларида пасайиб қолади. Ушбу ҳолат ҳосилнинг бир қисмини йўқотилишига олиб келади. Баъзан, ҳаво ҳароратининг бир текстда кўтарилганда (гулларни совуқ урмаслиги натижасида) ҳосилдорлик юқори бўлиши кузатилади. Тадқиқотлар олиб борилган 4 йил давомида баҳор ойлариининг ҳар хил келганлиги сабабли олинган натижаларнинг ўртачасига асосланиб хулоса қилдик.

Олтинсимон қорағатнинг “Плотномьяся” (st) навида ҳосилдорлик ўртача 19,27 ц/га ни ташкил этиб, нисбатан энг паст кўрсаткич “Сиюма” (11,41 ц/га), №5-11 (11,45 ц/га), “Алёна” (11,82 ц/га), №13-2(12,44 ц/га), “Дўстлик” (13,20 ц/га), “Рухшона” (14,64 ц/га), “Эликсир” (14,97 ц/га), “Золотистая” (15,15 ц/га), №15-5 (15,28 ц/га), “Ўзбекистанская крупноплодная” (15,94 ц/га) ларда, ўртача кўрсаткичлар “Олтиной” (16,23 ц/га), “Ирода”(16,84 ц/га), №13-7 (16,87 ц/га), №13-16 (17,08 ц/га), №15-12 (17,94ц/га) ларда кузатилган бўлса, нисбатан юқори натижалар №13-27 (“Ойдин”) (20,77 ц/га),(№-3) “Ўзбекская сладкая” (21,55 ц/га)ва № 14-7 (“Ядгор”) (34,04 ц/га) ларда кузатилди (3-жадвал).

№13-27 (“Ойдин”), “Ўзбекская сладкая” ва № 14-7 (“Ядгор”) навларида ўртача ҳосилдорик андоза “Плотномьяся” (st) навига нисбатан 1,5 дан 14, 77

ц/га гача ёки, 7,3-44,6 фоизга юқори натижаларга эга эканлиги қайд этилди (2-диаграмма).

3-жадвал


Олтинсимон қорағат нав ва дурагайларини ҳосилдорлигининг тўрт йиллик ўртача кўрсаткичлари (ц/га)

№	Навлар	2012	2013	2014	2015	ўртача
1	Плотномая (st)	17,82	9,93	36,30	26,40	19,27
2	Узбекистанская крупноплодная	14,85	11,55	21,45	27,06	15,94
3	Узбекская сладкая	21,45	10,23	26,73	30,03	21,55
4	Олтиной	16,50	10,23	28,14	22,44	16,23
5	Сиюма	8,25	5,94	14,85	22,77	11,41
6	Рухшона	8,58	6,60	19,80	30,03	14,64
7	Ирода	9,90	7,92	24,42	31,35	16,54
8	Алёна	6,27	4,95	14,85	25,90	11,82
9	№ 14-7 (Ядгор)	18,84	15,64	27,06	88,77	34,05
10	Дўстлик	10,56	6,93	14,85	28,38	13,20
11	Эликсир	13,86	10,23	16,17	30,03	14,97
12	№15-5 (э.ч.)	9,57	6,93	18,48	33,33	15,28
13	№13-7 (э.ч.)	13,53	10,30	24,42	29,37	16,87
14	№13-2 (э.ч.)	10,23	7,92	12,87	26,40	12,44
15	№13-27 (Ойдин)	14,98	11,95	29,1	27,06	20,77
16	№13-16 (э.ч.)	10,56	10,56	2508	30,03	17,08
17	№13-17 (э.ч.)	16,83	9,57	3003	22,44	16,56
18	№15-12 (э.ч.)	17,82	8,25	36,30	22,77	17,94
19	№5-11 (э.ч.)	14,85	9,93	2,145	30,03	11,45
20	Золотистая	8,25	8,25	16,80	33,5	15,15

Олтинсимон қорағатнинг коллекция кўчатхонасида тўрт йил давомида ўтказилган тадқиқотлар натижасида комплекс қимматли хўжалик белгилари бўйича №-3, №-14-7 ва №13-27 нав ва дурагайлар танлаб олинди. Олтинсимон қорағатнинг танлаб олинган №-3, №14-7, №13-27 дурагайларига “Узбекская сладкая”, “Ядгор” ва “Ойдин” номлари берилди.

2-диаграмма.

Олтинсимон қорағат нав ва дурағайларини ҳосилдорлигининг 4 йиллик ўртача кўрсаткичлари (ц/га)



Янги яратилган “Узбекская сладкая”, “Ядгор” ва “Ойдин” навлари андоза “Плотномьясая” нави билан таққосланган ҳолда тўрт йил (2012-2015 йй) давомида ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди.

4-жадвал

Олтинсимон қорағат нав ва дурағайларини ҳосилдорлигининг 4 йиллик ўртача кўрсаткичлари (ц/га)

Навлар	2012	2013	2014	2015	ўртача	Андозага нисбатан, + /га
Плотномьясая (st)	17,82	9,93	36,30	26,40	19,27	0
№13-27 (Ойдин)	14,98	11,95	29,1	27,06	20,77	+1,5
№3-Узбекс. сладкая	21,45	10,23	26,73	30,03	21,55	+2,28
№ 14-7 (Ядгор)	18,84	15,64	27,06	88,77	34,05	+14,77

Ўртача ҳосилдорлик “Ойдин” навида 20,77 ц/га, “Узбекскаясладкая” навида 21,55 ц/га, “Ядгор” навида эса 34,05 ц/га ва ни ташкил этиб, андоза навга нисбатан “Ойдин” нави +1,5 ц/га, “Узбекскаясладкая” нави +2,28 ц/га,

“Ядгор” нави эса +14,77 ц/га гача юқори ҳосилдорликка эга эканлиги қайд этилди. (4-жадвал).

2.4. Коллекция кўчатзорида олтинсимон қорағат нав ва дурагайларини мевасининг йириклиги бўйича танлаш натижалари

Олтинсимон қорағатнинг қимматли хўжалик белгиларидан яна бири унинг йирик мевалик хусусияти бўлиб, ушбу сифат кўрсаткичлари 100 дона меванинг умумий вазнини аниқлаб натижани 100 га бўлиш орқали аниқланди.

3-диаграмма



